Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 23-aprel, seshanba № 51 (3244)

Соғломлаштириш дастури — амалда

...Туғма суяк тизими касаллиги билан оғриган зарбдорлик жажжи қизалоқ Шаҳноза Сувонова шу йилнинг 13 февралида Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаниш учун Тошкентдан жўнаб кетди. Жиззах туманилик болакай Жаҳонгир Мамарасулов эса мана икки йилдирки, Германияда даволанмоқда...

КЎЗИМ ҚАРОҒИСАН, БОЛАЖОН!

Гап шундаки, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти томонидан ўн бир йил муқаддам тузилган ҳамкорлик битими 12 ёшгача бўлган бемор болалар учун шундай имконият эшигини очди.

Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти 1967 йил ташкил топган бўлиб, 35 дан зиёд давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ҳамкорлик доирасида 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатда даволаш ва реабилитация қилиш амалга оширилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси имконияти чекланган ва кам таъминланган оилалардаги 310 нафар ногирон болани республикамиз клиникаларида жарроҳлик йўли билан даволашни режалаштирган. Шу билан бирга, махсус дастур асосида бемор болаларни чет эл нуфузли клиникаларида соғломлаштириш йўлга қўйилган.

Биргина ўтган йили германиялик мутахассислар томонидан вилоятлардаги 455 нафар бемор бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, улардан 46 нафари Германиядаги клиникаларда даволаниш учун танлаб олинган эди.

Ушбу ҳамкорликнинг мантиқий давоми ўлароқ, ҳукумат Дастурига мувофиқ «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти раҳбари жаноб Томас Якобс ҳамда ташкилот ходими Мария Тиннефельд хоним Жиззах вилоятига ташриф буюришди. Хорижлик меҳмонларга ҳамроҳлик қилган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг «Оналик ва болалик» бўлими бошлиғи Жумабой Нуров, Жиззах вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси травматология бўлими бошлиғи, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Абдуманнон Баротов Жиззах вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида сирдарёлик ва жиззахлик 12 ёшгача бўлган таянч ва ҳаракат аъзолари бўйича хасталанган болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

Сон суягининг чиқиши, туғма маймоқлик, сон суягининг кемтиклиги, туғма сон суягининг чиқиши, сон суягининг сурункали остеомилити, скалиоз, гемотоген остеомилит, куйишдан жароҳатланиш, орқа мия чурраси, паралеж, умуртқа поғонасининг кафосколиози сингари ташхис қўйилган бемор болалар қабулга келишиб, келгусида самарали муолажа қайси тиббий муассасаларда давом эттирилиши зарурлиги ҳақида қимматли тавсиялар олишди.

Боёвутлик ўн ёшли Нуриддин Тоштемиров умуртқа поғонасининг кефосколиози ташхиси билан мурожаат қилди. У ўз ҳаракати билан бемалол юрса-да, тез толиқади, нафасни кўпроқ оғиздан олади.

Сирдарёлик Гулноза Алиқулова 12 ёшда. У чап сон суягининг сурункали остеомилити билан хасталанган.

Ҳар икки беморнинг касаллик тарихи шифокорлар эътиборини тортди.

Шунингдек, жиззахлик Саҳобжон, Каромат, Қудратилла, Маҳбуба, Тўрабек, Зокиржон, Дилноза, Семён, Жаҳонгул, Эъзоз, Ҳилола, Анвар, сирдарёлик Холида, Дониёр, Жасур, Диёра, Муҳаммад, Севинч, Жалол, Беҳруз, Нигора сингари ўнлаб болажонларнинг хасталиклари юзасидан юксак малакали мутахассислар тегишли ва зарур тавсияларини беришди.

— Фарзандларимизнинг замонавий тиббий кўрикдан ўтишлари учун Жиззах вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида зарур шароитлар яратиб берилгани диққатга сазовор, — дейди оқолтинлик олти ёшли бемор Гулсевар Умрзоқованинг онаси мамнунлик билан. — Қизимни шу ернинг ўзида тажрибали рентгенолог Баҳром Отамуродов рентгендан ўтмоқда. Келгусида қизимга тегишли зарур муолажалар юзасидан қимматли тавсиялар олдим.

Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги оператив даволанишга муҳтож бўлган 1-12 ёшли етмишдан ортиқ бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга муолажа юзасидан зарур тавсиялар берилди ҳамда Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаш учун танлаб олинди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири



АМАЛИЁТДА ЧАРХЛАНАЁТГАН БИЛИМ

Наманган шаҳридаги савдо ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ёшларнинг ўзи танлаган соҳаси бўйича билим ва кўникмаларни эгаллаб, малакали мутахассис бўлиб етиши учун барча шароитлар муҳайё этилган таълим масканларидан.

Мазкур коллежда 1345 нафар ўғил-қиз автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, тикувчи-дизайнер, ошпазлик, қандолатчилик каби олти йўналишда таҳсил олмоқда. Бу ерда амалий машғулотларни самарали ўтказиш мақсадида зарур дастгоҳ ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган чеварлик устахонаси ва «Нурли келажак, барҳаёт зиё» шўъба корхонаси ташкил қилинган. Уларда ўқувчилар юқори малакали ўқитувчилар раҳбарлигида ишлаб чиқариш жараёнида тажриба орттириб, озиқ-овқат, тикувчилик маҳсулотларини тайёрлаш, маиший хизмат кўрсатиш кўникмаларини эгаллаётир.

— Жорий ўқув йилида коллежимизни 411 нафар ўқувчи битиради, — дейди коллеж директори Дилдор Каримова. — «Истиқлол текстил Дизайн», «Алп Замин текстил» масъулияти чекланган жамиятлари, «Илҳом текстил либос», «Истиқбол саноат текстил» хусусий корхоналари каби ишлаб чиқариш фирмалари билан тузилган уч томонлама шартномага асосан битирувчиларнинг иш жойлари тайин қилиб қўйилган.

Суратда: *Наманган шаҳридаги савдо ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Муслима Маликова.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

Бошланғичда нима гап?

ДЎСТЛИК БОҒИ

Кўча-ю гузарлар, хиёбонлар кўркига зеб бериб ўсаётган арчалар, каштан дарахтлари ва турфа гулзорларнинг барпо этилишида аҳил жамоамизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Қўмитамизга аъзо бўлган 84 нафар киши бир масалада якдил. Истаймизки, она заминимиз яшилликка буркансин. 410 минг 545 гектар майдоннинг 295 минг 623 гектари саксовулзор билан қопланган. Хўжалигимиз таркибидаги 145 минг 609 гектарлик яйловларнинг 15 минг гектари ҳар йили саксовулзорларга айлантирилаётир. Бундай хайрли ишлар асосан туманимизнинг Оқсай ва Чингелди ўрмон бўлимларида амалга оширилаётир.

Хўжалик қошида 17 гектарлик кўчатхона мавжуд. У ерда асосан моживельник, шарқ туяси, туя компакт сингари арча турлари, япон сафораси, каштан, қайрағоч, шум тол (ясин) люгуструм, тут, айланд, заранг сингари манзарали дарахт ниҳоллари етиштирилади. Бундан ташқари, лимонарий, иссиқхона мавжуд бўлиб, хўжалик ҳамда аъзолар манфаатларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари изланаётир. Экишга шай 30 минг туп петуния ва бошқа гул ниҳоллари ҳадемай буюртмачиларга тарқатилади.

Дарвоқе, шу йилнинг 3 февралидан то 16 мартигача бир гуруҳ ходимларимиз билан Хоразм вилоятида бўлдик. У ерда Урганч шаҳри Оби-ҳаёт маҳалласи ҳудудига ўзимизда етиштирилган юзлаб манзарали дарахтларни экиб, «Дўстлик боғи» барпо этдик. Бундай хайрли ишларни бундан кейин ҳам давом эттирамиз.

Жондорбек НУРЖАУБАЕВ,
Конимех давлат ўрмон хўжалиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Ўқув-семинар

Кимё соҳаси бўйича республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан тизимдаги бошланғич ташкилотларнинг фаолияти билан танишиш, муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этишга кўмаклашиш ишлари олиб борилаяпти. Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ходимлари жорий йилнинг март, апрел ойларида 20 га яқин корхонада бўлиб, амалий ёрдам кўрсатишди.

ДАВР ТАЛАБИ

Жумладан, Навоий вилоятида тизимдаги ташкилотлар касаба уюшма фаоллари билан суҳбатлар уюштирилди, улар фаолияти ўрганиб чиқилди. «Навоийазот» ОАЖда барча йўналишлар бўйича ҳудудий ўқув-семинар ўтказилди.

Юздан зиёд фаоллар иштирокидаги семинарда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош ҳисобчиси З. Ибрагимова аъзолик бадалларининг тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланиш, дам олиш ва сиҳатгоҳларга бериладиган йўлланмалар, молиявий ҳисоботларни олиб бориш тўғрисида батафсил тушунтиришлар берди.

Шунингдек, Кимё соҳаси бўйича республика бирлашган касаба уюшма қўмитасининг мутахассислари Ш.Рамазонов, Н.Музаффарова, З. Ўринбоев, А.Гайназаровларнинг маърузалари тингланди. Улар иш юритиш, устувор йўналишлар ижроси, жамоа шартномалари мазмун-моҳияти, маданий-маърифий ишлар самарадорлиги, иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши, фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, умуман, ходимларни ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича касаба уюшмаларида тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашдилар.

Тизимдаги ўзгаришлар, аъзолик бадалидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш каби қатор масалалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Улар кўплаб саволларга атрофлича жавоб олдилар. Тингловчиларга бирлашган қўмита томонидан керакли меъёрий ҳужжатлар, қўлланма ва тегишли йўриқномалар тарқатилди.

М.ХАЛИЛОВА,
Кимё соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Тараддуд

Бухорода республика талаба ёшларининг «Универсиада — 2013» мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Қадимий ва навқирон шаҳар марказида қатор спорт иншоотлари бунёд этилиб, мавжудлари реконструкция қилинмоқда. «20-трест» масъулияти чекланган жамияти асосий тантаналар ва беллашувлар ўтказиладиган «Бухоро» ўйингоҳидаги реконструкция ишларини якунлаш арафасида.

ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Юқори технологиялар муҳандислик-техника институтида муҳташам спорт зали тахт қилиб қўйилди. Айни чоғда МЧЖнинг 1- ва 2-вакилликлари бунёдкорлари Бухоро давлат университетида замонавий лойиҳалар асосида сатҳи 36х18 метр бўлган икки қаватли спорт залини тезкорлик билан қураётир. Иккинчи қаватда 2 та минизал ва кийиниш хонаси мавжуд. Спорт зали ёнида барпо этилаётган ёзги ўйингоҳдан талабалар кичик олимпиадасининг футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, томошабинлар ўтирадиган жойлар, шунингдек, спортчилар учун махсус хоналар (ювиниш, кийиниш) ўрин олган.

«Замона монтаж қурилиш — таъмирлаш» МЧЖ ёзги ўйингоҳга туташ қураш залини бунёд этаётир. Универсиадада қатнашиш учун Бухорога ташриф буюрадиган 1100 нафардан зиёд талабанинг университет ётоқхоналарида яшаши, маданий ҳордиқ чиқариши ва овқатланиши учун қулай шароитлар яратилишига эътибор қаратилмоқда. 4 та турар-жой корпусини таъмирлаш, эски санузелларни янгиларига алмаштириш, хоналарни замонавий тарзда жиҳозлаш ишлари аниқ жадвал асосида олиб бориляпти. 500 ўринли қишки ошхонани реконструкция қилиш ва шунча ўринли ёзги ошхонани қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Шунингдек, бу борада «Бухоро моҳир қурувчи», «Ғиждувон уй-жой саноат», «Сардоба равнақ қурилиш», «Нурафшон ҳамкор қурилиш», «ХКМК-20» , «Зиё санъат» масъулияти чекланган жамиятлари жамоалари ҳам шижоат кўрсатиб ишламоқдалар.

Университет проректори Ориф Қодировнинг айтишича, универсиадага тайёргарлик жараёнида олий ўқув юрти талабалари ўқув машғулотларидан сўнг университет ҳудудида барпо этилаётган иншоотлар атрофини тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этишмоқда.

Ўз мухбиримиз

ЯНГИЛИКЛАР ОҚИМИДАН

ФАРҒОНА

Фарғона шаҳрининг Бурҳониддин Марғиноний кўчасида жойлашган «Davr medical centre» хусусий клиникаси иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ.

ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

Ҳозир бу ерда УЗИ ва бошқа замонавий ташхис қўйиш воситалари ишлаб турибди. Кундузги даволаш бўлимида 20 нафар бемор учун зарур шароит яратилган.

Шаҳар аҳолиси МРТ текшируви учун Тошкентга бориб келарди. Яқинда ушбу шифо масканига замонавий компьютер томографияси келтирилиб, шу усулдаги тиббий текширув имконияти яратилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

НАВОИЙ

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан намунали туман саналган Хатирчида амалий ўқув-семинар ўтказилди. Хатирчи уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш коллежи бошланғич касаба уюшма ташкилоти тадбирга мезбонлик қилди.

УСТУВОР МАҚСАД

Семинар ишида туман кенгаши, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ишини ташкил этиш, жамоа шартномалари ижросини назорат қилиш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш сингари мавзулар атрофлича муҳокама қилинди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан Марказий кенгашнинг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси Марзия Исоқова, бош ҳисобчи Галина Дубровина, тармоқнинг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Баҳодир Аслоновлар тегишли тавсиялар бердилар.

— Семинарда иш юритишга доир кўплаб йўналишлар бўйича тушунчалар берилди, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи туман кенгаши раиси Комилжон Қулмуродов. — Ўйлайманки, давр талабидан келиб чиққан ҳолда янада иштиёқ билан ташаббускорлик кўрсатишимиз, сафларимизни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни кучайтиришимиз керак. Бугунгача «Хатирчинон» МЧЖ «Ҳунарманд» кичик корхонаси, «Шароф савдо» МЧЖ, «Сувоқова» ташкилоти сингари ўндан ортиқ ташкилот ва муассасаларда бошланғич ташкилотлари тузилди. Мақсадимиз, ушбу соҳада бирор ишчи манфаати эътибордан четда қолмасин деймиз.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

ХОРАЗМ

Урганчдаги «Мустақиллик» маҳалласида халқ депутатлари Урганч шаҳар кенгаши депутати, 10-умумтаълим мактаби директори Райҳон Тулякова ташаббуси билан «Болалар майдончаси» ташкил қилинди.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Болажонлар ўз ташаккурларини майдончада ташкил қилинган илк тадбир — «Менинг уйим — менинг кўчам — менинг маҳаллам» акциясидаги фаол иштироки, жарангдор куй-қўшиқлари орқали ифода қилдилар.

— Ободлик ҳар биримизнинг хоҳишимиз, орзуимиз, истагимиз. Барча саъй-ҳаракатимиз, меҳнатимиз, интилишларимиз замирида бир истак мужассам — обод турмуш кечириш. Ободликка ўз-ўзидан эришилмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай экан, юрт ободлигига ҳисса қўшишни ҳар биримиз қалб амрига айлантиришимиз фарз ва қарздир, — дейди Райҳон Тулякова. — Ушбу майдончани ташкил қилишдан мақсадимиз эса болажонларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишишига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Эртаклар шаҳарчасини эслатадиган ушбу майдонча болажонларга завқ-шавқ улашиб, кўнгилларини обод қилмоқда.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Jshonch
2013-yil 23-aprel № 51 (3244)

Етакчи минбари

ТАШАББУСКОРЛИК, ҚАТЪИЯТ, ИЖРО ИНТИЗОМИ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Норин туман кенгаши раиси Раъно Бозорова билан фаолиятнинг турли қирралари хусусида суҳбатлашдик.

— Кенгашимиз тасарруфида 15 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 1200 нафар аъзо меҳнат қилмоқда, — деди у. — Муҳими, салоҳияти ва билими кучли, ташкилотчилик қобилиятига эга фаоллар касаба уюшма қўмитасига раислик қилмоқда. Шунинг учун ҳам ходимлар касаба уюшма афзалликларини ўз ҳаётий тажрибалари орқали англаб етмоқдалар.

— Касаба уюшма иши серқирра, ўзига хос заҳматлари бор...

— Дарҳақиқат, ташкилот фаолиятини қўллаб-қувватлаётган иш берувчилар билан бир қаторда, касаба уюшмасига панжа орасидан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўтган йилда «Халқ банки»нинг вилоят бўлими томонидан туманларда аттестация ўтказилган бўлиб, синов натижаларига кўра, Норин туман бўлимида бир қатор ходимлар ишдан бўшатилган. Бироқ, аттестациялаш ишларида хатоликларга йўл қўйилгани ходимлар ҳуқуқининг бузилишига олиб келди.

— Турли танловлар, хайрия ишлари... Улар ўта фаолликни талаб қилади.

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бошланғич ташкилотлар ўртасида ўтган йили «Энг намунали касаба уюшма ташкилоти» танловини ўтказдик. Бу танлов раисларимиз фаолиятига янгича ёндашув, ташаббускорлик руҳини киритди. Жорий йил феврал ойидан бошлаб эса «Энг фаол касаба уюшма ташкилоти раиси» танлови эълон қилинди. Ўтган йили хайрли ишларига бош қўша бориб, туман ҳокимлиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Маҳалла» жамоат фонди билан ҳамкорликда кам таъминланган ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг фарзандларига ўқув қуроллари тақдим этилди. 5 нафар ходимга шахсий томорқалари учун 10 кг. дан турли уруғликлар берилди. 9 нафар аъзо мамлакатимиздага сиҳатгоҳларда даволаниш имконига эга бўлди.

— Бугун меҳнат кишиларининг аксарияти жамоа шартномаси афзаллигини англаб етмоқда. Талаб ҳам, фаолият ҳам шунга яраша бўлаётир.

— Мавжуд бошланғич ташкилотларнинг барчасида жамоа шартномалари имзоланган бўлиб, мазкур ҳужжатларга тегишли мажбурият ва имтиёзлар киритилган. Уларнинг ижроси эса доимий назоратга олинган. Ҳамма гап ходимлар мазкур юридик ҳужжатнинг аҳамиятини, унинг меҳнаткашлар ҳуқуқини ифодаловчи қонуний куч эканлигини тўла англаб етишига боғлиқ.

Жумладан, туман ҳокимлиги, молия бўлими бошланғич касаба уюшма ташкилотларида жамоа шартномасига биноан ходимларга қулай меҳнат шароити яратилган. Иш ҳақи, моддий ёрдам, мукофот, меҳнат таътили ҳамда бошқа ижтимоий тўловлар вақтида амалга оширилмоқда.

Тизимдаги ислоҳотларга монанд фаолият юритишга, ўзимиз ҳам бевосита уларнинг ижодкори бўлишга интилаяпмиз. Ўтган йили нодавлат сектордаги 4 та корхона сафимизга қўшилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш учун кенгашимиз ҳисобидан 1 дона нусха кўчириш аппарати сотиб олиниб, 2 нафар коллеж битирувчиси шартнома асосида ишга қабул қилинди. Бу каби хайрли ишларни давом эттириш ниятидамиз.

Суҳбатдош:
Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Эътироф

Вагон деразаларидан ён-атрофга боқиб, ажойиб манзарага кўзингиз тушади. Чўлу даштларни кесиб ўтган темирйўл ёқаларидаги бекатлар ва разъездларнинг ўзига хос таровати бор. Мураккаб иқлим ва тупроқ шароити, сув йўллари бўлмаган манзилларда кўркам дарахтлар, чиройли гулзорлар, тозалик ва ободончиликни кўриб кўз қувнайди. Бу ерда меҳнат қилаётган темирйўлчилар нафақат ўзлари, балки йўловчиларга ҳам хуш кайфият бағишлайди. Энг муҳими, улар поездларнинг аниқ график асосида хавф-хатарсиз қатновини таъминлайди.



ХАЙРЛИ ВА САЛМОҚЛИ

Фахрий темирйўлчи, 40 йилдан буён шу соҳада ишлаб, айни пайтда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик темирйўл компаниясига қарашли Бухоро иҳота дарахтларини ўтказиш ва қўриқлаш корхонаси раҳбари Жамил ака Жалилов юқорида тилга олинган ҳолатларга жамоасининг бевосита алоқадорлигини алоҳида таъкидлади.

— Жамоамиз Бухородан Жиззаху Термизгача, яна бир томони Қорақалпоғистон Республикасигача чўзилган, яъни мамлакатимиздаги темир йўлларнинг ярмидан кўпроғини ташкил қиладиган ҳудудларда хизмат қилади. Вилоятларда 10 та участкамиз фаолият юритяпти. 223 нафар ишчи-ходимнинг асосий эътибори чўл ҳудудидан ўтувчи темир йўлларни кучли шамол таъсирида қум босишидан асраш учун қамишдан тўсиқлар бунёд этиш, у ерларда саксовул, исириқ, қандим каби сувсизликка чидамли экинларни экиш, қўриқлаш ва чўл шароитига чидамли туя, гужум, можевелник, тут кўчатларини етиштириб, бекат ҳамда разъездларга етказиб беришга қаратилган.

Гувоҳи бўлганимиздек, Бухоро, Қарши, Учқудуқ, Қўнғирот, Тинчлик, Тўрткўл участкаларида ташкил этилган ишлар эътирофга лойиқ. Айниқса, Зариф Жўраев бошқараётган Бухоро участкасида ибратли ишлар амалга оширилаётир. Улар 5 гектар майдонда сувсизликка чидамли ўнга яқин манзарали кўчатлар, шинамгина иссиқхонада эса лимон ҳамда турфа гуллар етиштиришади. Ушбу кўчатлар — Хўжадавлатдан Муборакгача темир йўл бекатлари, разъездлари ва Бухоро минтақавий темирйўл узели корхоналарига етказиб берилади. Шунингдек, бир қатор мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ва маҳаллалар ҳам улар меҳнати маҳсулидан бебаҳра қолишмайди. Қалбида яратувчилик ишқи жўш урган Шерали Шарипов, Рашид Сотиболдиев, Дилбар Боймуродова, Шавкат Ширинов, Нарзилло Жўраев сингари сергайрат ишчилар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

— Юртимиз ободлигига муносиб ҳисса қўшаётган ишчиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Шавкат Исмоилов. — Гўзалликка ошуфта қалб соҳибларининг самарали ишлаши, яхши дам олиши, саломатликларини ҳимоя килиш учун етарли шароит яратилган. Корхонадаги ёрдамчи хўжалик ҳисобидан арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари берилаяпти. Аъзоларимизнинг ишга келиб-кетишлари учун бепул автобус хизмати ташкил этилган. Барча ходимлар махсус кийим-бош билан таъминланган. Ойлик маошлар вақтида тўланяпти. Касаба уюшма аъзолари учун кўнгилочар саёҳатлар ташкил этаяпмиз. Жамоада оммавий спорт кенг тарғиб қилинмоқда. Вақти-вақти билан ходимларимиз фарзандларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун касаба уюшма маблағи ҳисобидан кўғирчоқ театрига чипта олиб бериляпти. Хушманзара жойларга олиб чиқиляпти.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири.

Суратда: *(ўнгдан) участка бошлиғи Зариф Жўраев, тажрибали боғбонлар Шерали Шарипов ва Рашид Сотиболдиев билан иссиқхонада.*

Муаллиф олган сурат

Фаолиятга назар

ШАРОИТ ҲАМ, ВАҚТ ҲАМ БОР

2-Республика тиббиёт коллежида фармация, ҳамширалик иши, лаборатория диагностикаси ва тиббий профилактика иши каби тўртта йўналишда 2560 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг қарийб 95 фоизи, яъни 2298 нафарини қизлар ташкил этади.

2004 йилда тўлиқ капитал реконструкциядан чиқарилган коллеждаги шарт-шароит ва қулайликларни кўриб, сизнинг ҳам ҳавасингиз ортиши, табиий. Хоналар тоза ва ораста. Албатта, ўқувчиларнинг аксариятини қизлар ташкил этадиган жойда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да. Айтишади-ку, қиз бор жойнинг файзи бўлакча деб. Эрталабки нонушта ва тушки таомлар ҳамёнбоплиги ва сифати билан барчага манзур бўлмоқда. Қўшимча равишда буфет ҳам хизмат кўрсатмоқда.





Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган 28 та фан тўгараги доимо ёшлар билан гавжум. У ерда машғулотлар қизиқарли тарзда олиб борилмоқда. Ўқув, ҳамширалик иши, тренинг, физика, химия, клиник лаборатория хоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Айни пайтда коллежда 150 нафардан зиёд олий тоифали ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бермоқда. Асосан Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тамомлаган малакали мутахассислар ёшларнинг чуқур билим эгаллашлари учун астойдил фаолият юритишаётир. «Маънавият соатлари», маънавият ва маърифат ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Яқинда «Одам савдоси», «Эрта турмуш қуриш оқибатлари» мавзуларида «Маънавият соатлари» ўтказилиб, унда мавзуга оид маърузалар тингланди. Шунингдек, ота-оналар мажлиси, одоб-ахлоқ, кийиниш маданияти мавзуларида тадбирлар ўтказиш анъанага айланган.

— Замонавий жиҳозлар билан таъминланган спорт мажмуаси эса ёшларнинг севимли масканига айланган. Бу ерда мини футбол, кураш, енгил атлетика, шахмат-шашка, волейбол ва қўл тўпи каби секцияларда ёшлар учун шуғулланиш имконияти яратилган. Ечиниш, кийиниш ва ювиниш хоналари ёшлар ихтиёрида. Ўтган йили спортчи-ўқувчиларимиз томонидан турли мусобақаларда 5 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза медаллари қўлга киритилди, — дейди жисмоний тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Рустам Ҳамрохўжаев. — Бундан ташқари, «Тиббиётчи» аёллар мини футбол жамоамиз ҳам шаклланган. Улар ҳозирда Тошкент шаҳар футбол федерациясининг биринчи лигасида тўп сураяпти. Айни пайтда кейинги йили касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод» спорт ўйинларига тайёргарликка зўр берганмиз.

Битирувчиларни иш билан таъминлаш режа асосида амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий ўқув йилида коллежни 847 нафар ўқувчи битиради. Уларга ҳозирданоқ уч томонлама шартномалар тузиш ишлари бошланган. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, ўтган йили битирганларнинг 95 фоизи дорихона, мини завод, даволаниш марказлари, диагностика лабораториялари марказларида йўналишлари бўйича фаолият кўрсатаётир.

2-3-босқич ўқувчилари жадвал бўйича даволаниш муассасаларида ҳафтада бир марта ўзларига бириктирилган устозларидан касб сир-асрорларини пухта ўрганишмоқда.

— Коллежимизда дарсга қатнашиш қатъий назоратга олинган. Айрим сабабга кўра, дарс қолдирган ўқувчиларга ўтказиб юборган дарсларини ўзлаштириши учун имконият яратиб бераяпмиз, — дейди маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Мухтабар Солиҳова. — Турли фан тўгаракларида қатнашиш ҳамда бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун ҳам барча имконият бор.

— Касаба уюшмасининг асосий вазифаси ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоялашдан иборат, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Собир Расулов. — Меҳнат муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Хоналар замонавий талаблар асосида жиҳозланган. Касаба уюшмаси ҳисобидан ходимларнинг Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарларга саёҳати уюштирилмоқда. Уч нафар ўқувчи касаба уюшмаси стипендияси совриндори. Кам таъминланган ўқувчиларга касаба уюшмаси ёрдам кўрсатмоқда. Ўтган йили беш нафар ўқитувчи «Турон», «Ботаника», «Чортоқ» санаторийларида соғликларини тиклаб қайтишди. Тўрт нафар ўқитувчи дам олиш сиҳатгоҳларида бўлди. Жорий йилда ҳам ушбу анъаналарни давом эттиришни мақсад қилганмиз. Бунинг учун бизда имконият ҳам, шароит ҳам, вақт ҳам етарли.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Орамиздаги одамлар

Мурод Калоновнинг Қашқадарё вилоят «Сувоқова» бошқармасида касаба уюшма қўмитаси раиси бўлиб ишлаётганига кўп йиллар бўлди. Бошқармада 1210 нафар аъзонинг ҳуқуқ ва манфаатлари эътиборда бўлиб, касабақўм раиси ҳеч бир мурожаатни назардан қочирмайди. Бошқарма бошлиғи Ҳошим Луқмонов билан келишган ҳолда ҳар бир ходимга имкон қадар ёрдам беришга ошиқади.

ХОДИМЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

— Ҳукуматимиз ғамхўрлиги остида вилоятда ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида улкан ислоҳотлар амалга оширилди, — деди касабақўм раиси. — Хусусан, 585 та қишлоқ аҳоли пунктида сув таъминоти яхшиланди, улардан 266 тасига марказлашган ичимлик суви етказиб берилди. Қарши шаҳри ҳамда туманлардаги корхоналаримизда 154 та янги иш ўрни яратилди.

Бир кеча-кундузда 261,8 минг куб метр сув чиқариш қувватига эга Шаҳрисабз ва Китоб туманларидаги тўртта сув олиш иншоотлари реконструкция қилинди. Сув етказиб берувчи ҳудудий ташкилотларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Тўртта автокран, бешта «Дамас» русумли автомобил, иккита мобил трансформатор ускунаси, лаборатория мажмуаси, иккита пластмасса сув қувурларини пайвандловчи ускуна олинди. Шунингдек, ичимлик суви чиқаришда 50 фоизгача электр энергиясини иқтисод қилувчи технологиялар жорий қилинди.

Ислоҳотлар бу билан тўхтаб қолмайди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича 2013-2020 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда ҳар бир туман миқёсида қилинадиган ишлар белгилаб олинган.

Қишлоқ ва шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшаётган намунали уй-жойларга оби ҳаёт етказилиб, уларнинг ободлигига ҳиссамиз қўшилаётганидан қалбимиз ғурурга тўлади.

Мурод акадан касаба уюшма қўмитаси фаолияти ҳақида сўраймиз.

— Ўтган йили ходимларнинг 50 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқарди. 10 нафар ходимга сиҳатгоҳларга йўлланма берилди. Касаба уюшмаларининг туризм соҳасидаги фаоллиги ҳам ошаяпти. Хусусан, ўтган йили 30 нафар ходим Бухорога, 40 нафари Самарқандга, 15 нафари эса Китоб туманидаги «Ҳазрати Башир» зиёратгоҳига саёҳат қилдирилди.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича масъул Гулсара Жумаева тажрибали ходимлардан. Беш йилки, у бу вазифани ишончли уддалаяпти. Қолаверса, жамоа шартномаси бандларига кўра, ходимларимиз махсус пойабзал ва иш кийимлари билан таъминланади. Байрамлар арафасида бошқарма маъмурияти билан биргаликда ходимларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилади. Кам таъминланган ишчиларга моддий ёрдам бериш йўлга қўйилган...

— Мурод Калонов тажрибали мутахассис, — деди биз билан суҳбатда бошқарма бошлиғи Ҳошим Луқмонов. — Шунинг учун у кишига айни пайтда бош муҳандисликни ҳам ишониб топширганмиз. Иши қанчалик кўп бўлмасин, касаба уюшма қўмитаси раиси эканлигини ҳамиша ёдда тутади.

Меҳнат шароитининг яхшилиги, жамоанинг аҳиллиги туфайли уч нафар ходим «Коммунал хизмат аълочиси» унвонига сазовор бўлди. М. Калоновнинг ўзи эса устоз сифатида кўплаб ёшларга мураббийлик қилмоқда.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Эҳтиром

УСТОЗГА ТАЪЗИМ!

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Дўстлик туман кенгаши халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда 3-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Устозга таъзим!» мавзуида тадбир ўтказди.

Унга тармоқдаги меҳнат фахрийлари, касаба уюшма фаоллари, илғор устоз-мураббийлар ва ёш педагоглар таклиф этилди.

— Давлат мукофотига сазовор бўлган 13 нафар педагог туманимиз таълим тизимида фаолият кўрсатмоқда, — дейди тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Азим Ғафоров, — Ҳайдар Шукуров, Бувсолиҳа Абдуқодирова, Комил Аҳадов, Ўктам Ҳайитбоевлар чин маънода фахримизга айланишган. Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад ёшларимизга уларни ибрат қилиб кўрсатиш билан бирга, устозлар тажриба ва маҳоратини ҳам кенг оммалаштиришдан иборат.

Болажонлар ижросидаги куй-қўшиқлар, бадиий гимнастикачи қизалоқларнинг мафтункор чиқишлари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Бор бўл, оқибат!

ҲАР ЙИЛГИДАН ЎЗГАЧА

Ўз сафига 8 минг нафардан зиёд касаба уюшма аъзосини бирлаштирган Асака автомобилсозлик корхонасида бу йил Наврўз айёми муносабати билан катта хайрия тадбири ташкил этилди.

— Касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 42 та кам таъминланган оилага совғалар улашилди, — дейди корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси М. Олимов. — 75 нафар меҳнат илғори фахрий ёрлиқ билан тақдирланиб, туҳфалар берилди.

Ўз мухбиримиз

Ishonch
2013-yil 23-aprel № 51 (3244)

Обод юрт манзаралари

ТУНЛАРИ КУНДУЗДЕК

Музработ тумани ободонлаштириш бошқармасида 117 киши меҳнат қилади. Уларнинг хизмати эвазига ҳудудда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Туманга ташриф буюрган киши катта ўзгаришларга гувоҳ бўлади.

Жумладан, туман ҳудудига киришда арк дарвоза барпо қилинди. Атрофига мевали дарахтлар, атиргул ва бошқа ранг-баранг гуллар экилди. 5200 квадрат метр ташландиқ жой кўкаламзорлаштирилди. «Халқобод» қўрғони «Турон» кўчасидаги 2,3 км. йўл ёқасида 87 та бетон устун тикланиб, чироқлар ўрнатилди.

Албатта, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларида қўл меҳнати кифоя қилмайди. Шунинг учун ички имкониятлар ишга солинган ҳолда 3 та янги техника харид қилинди. Чиқиндиларни тозалаш, ташиб чиқариш, дарахтларга шакл бериш, ариқларни қазиш ва тозалаш, кўчаларни супуриш, дарахтлар тагини юмшатиш, суғориш, гул, кўчат экиш каби ишларни тез ва сифатли уддалашда бошқарманинг Норсоат Оролов, Маҳмуд Ортиқов бошлиқ бригадалари ҳамда Абдумалик Эшболтаев, Панжи Бойпулатов етакчилигидаги ишчи-хизматчилар намунали меҳнат қилишмоқда. Туман ҳудудидаги кўча ва хиёбонларни тунги ёритиш учун 119 дона чироқ ва 752 та ёритиш мосламаси мавжуд бўлиб, уларнинг доимий ишлашини таъминлашда Баҳодир Нормуродов, Азамат Саломов сингари нурчиларнинг хизмати беқиёс.

Сўнгги йилларда ҳудуддаги катта йўл ва кўчалар, қишлоқ ҳамда маҳаллалар ички йўлларини ободонлаштириш, йўл чеккаларига гул экиш, гулзор ва хиёбонлар ташкил этишга етарлича эътибор берилаяпти. Туман ҳокимлиги билан келишилиб, 4 гектар майдон бошқарма тасарруфига ўтказилди. Шу жойда иссиқхона барпо этилиб, турфа гул кўчатлари етиштирилаяпти. Мазкур бошқармага бириктирилган манзилларга экишдан ортган гул ниҳоллари ташкилот, корхона, мактаб, коллежларга берилаяпти.

Қишлоқ ва гузарларга элтадиган ички йўллар, кўчалар таъмирталаб бўлиб қолганди. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 декабрдаги қарорига асосан «Авлод», «Амиробод», «Шабада», «Гулбаҳор», «Хушмон» қишлоқлари ҳамда «Сополли тепа», «Олачапон», «Ч. Қувондиқов-1», «Авжун», «Дарбанд», «Қаҳрамон» маҳаллаларидаги 11,2 км. ички автомобил йўллари жорий таъмирдан чиқарилди. Амалдаги йилда бу ишлар давом эттирилаяпти.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги қарорига асосан туманимиз ҳудудидаги 9 та қишлоққа шаҳарча типидаги посёлка мақоми берилиб, улар атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари бошқарма хизматчилари зиммасига юклатилган, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Раҳмонқул Оқбўтаев. — Айни пайтда 26 нафар ходим ушбу ҳудудларда меҳнат қилаётир. Ўтган йили 4,3 км.лик ички автомобил йўли давлат бюджетидан ажратилган 74392583 сўм ҳисобига жорий таъмирланди. Манзилли дастурга асосан йўлларни созлаш ишлари давом эттирилади.

Жорий йилда Раҳмонқул Оқбўтаев бошлиқ жамоанинг иш кўлами яна ҳам кенг. Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан барпо қилинаётган янги уй-жойларнинг атрофини ободонлаштириш бўйича катта ишлар бажарилаётир.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Кўргазмали семинар

«Ўзэкспомарказ» мажмуасида Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси соҳадаги янгиликларга доир кўргазмали семинар ташкил этди. Мақсад — республикамизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, солиқ тизимидаги янгиликлар билан кўпчиликни таништириш эди.



ЯНГИ СОЛИҚ ҲИСОБОТИ ШАКЛЛАРИ

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни Солиқ кодексининг 29 та моддасини қайта кўриб чиқиш имконини берди. Шу асосда 2013 йилнинг 22 мартида Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқ ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди.

Унга кўра, солиқ тўловчилар ўз ҳисоботларини тасдиқланган шакл ва тартиб-қоидалар бўйича тақдим этадиган бўлдилар. Янги солиқ ҳисоботи шакллари уларни соддалаштириш, сонини қисқартириш ҳамда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартишларни ҳисобга олиб, қайта ишлаш йўли билан такомиллаштирилди. Солиқ солинадиган объектнинг бир хиллигидан келиб чиқиб, айрим солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар (гуруҳлантирилиб) ягона шаклларга келтирилди. Мисол учун, ўтган йилда солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича иккита шаклни тўлдириб, ҳисобот тақдим этган бўлсалар, бу йилдан эътиборан улар иккала солиқ бўйича ҳам битта шаклни тўлдирадилар. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, илгари микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобот даври бир ой ҳисобланарди. Айни чоғда бу тартиб ҳар чорак учун белгиланди.

Шу билан бирга, акциз солиғи ҳисобот шакли деярли икки баробарга соддалаштирилди. Яъни бундан буёғига йирик саноат корхоналари акциз солиғи ҳисобот шаклини худди кичик бизнес субъектлари каби ҳар чоракда тақдим этадилар.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоботи чоракликдан йилликка ўтказилиши сабабли ушбу солиқ ҳисоботи шакли ҳам жорий тўловларни ҳисоблаш бўйича маълумотнома билан тўлдирилди. Маълумотномани фаолият юритаётган барча корхоналар жорий солиқ давринг 10 январига қадар тақдим этсалар-да, жорий тўловларни микрофирма ва кичик корхоналар ҳар чорак учинчи ойининг 25-кунидан, йирик корхоналар эса ҳар ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан тўлайдилар.

Ягона солиқ тўловининг ҳисобот шакли барча корхоналар учун ойликдан чоракликка ўтказилиши муносабати билан қайтадан кўриб чиқилди. Бунда микрофирма ва кичик корхоналар тоифасига кирмайдиган ягона солиқ тўлови тўловчилари солиқ тўлаш муддатлари сақланиб қолганлигини инобатга олиб, солиқ ҳисоботи чоракнинг ҳар бир ойи охирига солиқ миқдори кўрсатиладиган алоҳида сатрлар билан тўлдирилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири.
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ
(ЎзА) олган сурат

Сўраган экансиз...

Келиним ишга чиқмоқчи

Келиним бола парваришлаш таътилида. Фарзанди икки ёшга тўлмаса ҳам ишга чиқмоқчи. Лекин аввалги иши ҳозирча унга бироз қийинлик қилади. Шу сабабли бошқа бирор енгилроқ вазифада ишлаши мумкинми?

Н.ЁРҚУЛОВА, Қибрай тумани

Меҳнат кодексининг 227-моддасига асосан икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилиши белгиланган.

Феруза ҒУЛОМОВА,
Учтепа тумани ДНИ нотариуси

«Ўз уйингни — ўзинг асра!»

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темирйўл компаниясига қарашли Болалар шифохонаси ҳамда Марказий клиник шифохонасида «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида тадбирлар ўтказилди.

«Адолат» СДП Миробод туман кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирларда бугунги кундаги глобал муаммо — одам савдоси, миссионерлик иллатлари, диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашиш хусусида сўз юритилди.

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Маълумки, глобаллашув жараёни глобал муҳитнинг шаклланишини, шу билан бирга, мавжуд миллий-минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммога айланиб боришини ифода этади. Зўравон ва тажовузкор кучлар қайси халқ ёки мамлакатни тобе қилмоқчи, бойликларини эгалламоқчи бўлса, аввалambор, уни қуролсизлантиришга, яъни миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Дин миллий маънавиятнинг таркибий қисми эканлигини ҳисобга олсак, миссионерлик айнан шундай диний қарашларга ўз таъсирини ўтказиб халқнинг барқарорлигини бузади.

— Миссионерлар аксарият ҳолда ўз жамоасига ёшларни жалб қилишга интилади, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, «Адолат» СДП Миробод туман Кенгаши раиси Тошпўлат Матибаев. — Улар ўз мақсади йўлида турли усуллардан кенг фойдаланишади: ёшларга инглиз, корейс тили, компютерда ишлашни ўргатиш баҳонасида ўқув курслари очиш ва мазкур жойларда ўз динини тарғиб қилиш; хорижга ўқишга, ишга ёки чет эл фуқароси билан оила қуриш учун жўнатиш баҳонасидан фойдаланиш; ўсмирларни ёз фаслида черков қошидаги дам олиш лагерларига жалб қилиш ва шу ерда таъсир ўтказиш; нодавлат нотижорат ташкилотлар сифатида сохта инсонпарварлик ёрдами (пул, дори-дармон, кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш) кўрсатиш давомида миссионерлик ҳаракатини олиб бориш шулар жумласидан.

Тадбирда яна бир глобал муаммо — одам савдоси қурбонига айланаётган фуқароларнинг ачинарли тақдири билан боғлиқ жонли мисоллар келтирилди. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизи аёл ва ёш болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600-800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Хотин-қизлар учун уй хизматкори, ошпазлик, болалар қаровчиси, котибалик, официанткалик, стюардессалик каби ишлар таклиф қилинади. Юқори маош ва қулай иш шароити тўғрисида ёлғон маълумот берилади. Афсуски, кўпчилик бунинг охири сароб эканини кеч англаб етади.

— Савол-жавоб, интерактив кўринишда ўтган тадбирлар кенг жамоатчилик, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод онгининг шакланишига, уларни ёвуз таъсирлардан асрашга, маънавий иммунитетини кучайтиришга катта ёрдам беради, — дейди Марказий клиник шифохонаси бош шифокори А.Прохорова.

Тадбирда «Жаҳолат чангалида», «Тузоқ ёки ўз ватанига қарши ишлатиш усули» номли ҳужжатли филмлар намойиш этилди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

Матбуот анжумани

Давлат божхона қўмитаси томонидан Миллий матбуот марказида «2011-2015 йилларда давлат божхона хизмати органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар Дастури» доирасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

НАЗОРАТ МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

Анжуманда Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Ғ.Шукуров соҳа моддий-техник базасини мустаҳкамлашда Президентимизнинг «Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божхона хизмати органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Дастур доирасида постлар орқали ўтадиган товарларни тўлиқ ҳисобга олиш ва назоратини кучайтириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди, — деди у. — Жумладан, постларни замонавий сканерлаш ва махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш диққат марказимизда турибди. Бу мақсадга 130 млрд. сўмга яқин маблағ ажратилган. Тошкент вилоятининг «Ойбек» ҳамда Сурхондарё вилоятининг «Айритом» божхона постларида 2 та катта ўлчамли мобил автосканер қурилмалари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Сурхондарё вилояти божхона бошқармасининг «Фалаба» темирйўл божхона пости юкларни назорат қилувчи сканер қурилмаси билан жиҳозланди. Йил якунига қадар, Андижондаги «Дўстлик», Бухородаги «Олот» ва Сурхондарёдаги «Сариосиё» божхона комплексларини мобил сканер қурилмалари билан таъминлаш режалаштирилган. Сурхондарёдаги «Дарё порти», Навоийдаги «Аэропорт» божхона постлари, «Тошкент халқаро аэропорти» ва бошқа чегара божхона постлари 23 комплект янги рентген аппаратлари билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда ўрнатилган сканер қурилмалари кўмагида 321 та қонунбузилиш ҳолати фош қилинган. Божхона текширувлари муддатини қисқартиришга катта аҳамият берилаётгани тадбиркорларга ҳам маъқул келмоқда.

Шунингдек, божхона постларининг 88 комплект паспорт сканер қилиш қурилмалари билан таъминланиши юртимизда туризмни ривожлантириш, сайёҳлар учун қулайликлар яратишга хизмат қиляпти. Зеро, бу каби қурилмалар юртимиз чегараларида сайёҳлар ва бошқа фуқароларни рўйхатга олишни соддалаштирибгина қолмай, жараённи тезлаштиришга ҳам хизмат қилади.

2011-2013 йилларда 11 та божхона постини радиация назорати тизимлари билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирга қадар ДБҚ захирасида мавжуд қурилмалардан фойдаланилган ҳолда 4 та божхона постида радиация назорати тизими йўлга қўйилди. Йил якунига қадар яна 6 та божхона пости радиацион назорат тизими билан таъминланиши режалаштирилган.

Бу ҳақда Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Ғ.Шукуров шундай деди:

— Радиация назорати тизимининг ўрнатилиши бугунги кунда божхоначилар олдида турган асосий вазифалардан биридир. Бир неча йил олдин хориждан олиб келинган ситиш батареяларида радиация миқдорининг ортиқлиги билан боғлиқ муаммо юзага келди. Маҳсулот назорат қурилмасига эга бўлмаган пост орқали олиб кирилиб, савдода реализация қилинган ва кўп қаватли уйлардан бирига ўрнатилган. Натижада, бир неча инсоннинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатган. Бино махсус бўлинма томонидан ўрганилганда батареяларда меъёрдан ортиқ радиация мавжудлиги аниқланди. Ҳозирда тегишли органлар радиактив маҳсулотларни юртимизга кириб қолишининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Божхона постлари назорат қурилмалари билан таъминланмоқда.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

«Жиззах шаҳридаги Жиззах политехника институти учун сунъий қопламали минифутбол майдончалари қурилиши»

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚС сиз 371,917 млн. сўм, ҚҚС билан 446,3 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати — 3 ой.

Ишларни молиялаштириш буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 4-уй.

Телефон: (8-372) 226-46-05. Факс: 226-45-17.

Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқати ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказиг**а қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 минг сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш., Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 64-уй (*вилоят ҳокимлиги биноси)*, кичик мажлислар зали.


Хизматлар лицензияланган

ТУЗАТИШ

«Ishonch» газетасининг 2013 йил 11 апрел, 46-47-сон 15-саҳифасида берилган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 13 майда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади» эълонининг охиридан иккинчи абзацидаги «2013 йил 19 апрел» ўрнига «2013 йил 13 май» деб ҳамда шу эълонда берилган жадвалнинг иккинчи банди олтинчи категоридаги 2 956 999 600,00 ўрнига 956 999 600,00 деб тузатиб ўқилсин.

●Болалар спорти

Самарқанд туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўғил-қизларнинг севимли масканига айланган.





БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИ

562 нафар ўқувчи спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, мини футбол каби турларида маҳоратини ошираётган мазкур мактабда бадиий гимнастика бўйича ҳам машғулотлар фаол йўлга қўйилди. Айни пайтда қиркка яқин тарбияланувчи малакали мураббий Сабина Аҳмедова раҳбарлигида нафис спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Соғлом турмуш тарзи, гўзаллик, ирода ва матонат гарови бўлган бадиий гимнастика мактаб ёшлари ўртасида тобора оммалашмоқда.

Суратларда: мураббий Сабина Аҳмедова шогирди Шалола Холова билан; (чапдан) мактаб тарбияланувчилари Гулсанам Истамова, Нигина Ражабова, Шахризода Жўракулова.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Хотира уйғонса, гўзалдир

— Менинг тенгдошларимни ўз 1941 йили бор, ўша машъум 22 июн тонгидан кўнгли зада, қалби изтиробда! — дерди отам армон билан. Менинг қўлимда эса граната осколкалари. Уларни оҳиста, аммо оғир дард билан санайман: бир, икки, уч, тўрт... жами ўн битта! Йиллар давомида отам вужудида яшаган улар! Яна еттитаси танасида падаримни азоблаб яшади. Отам яраланган кунини шундай хотирларди:

ШУКРОНА

— Днепрдан кечиб ўтаётганимизда дўстим Абдураҳим яраланди. Уни белидан тутиб, бир қўлим билан бир соатми, икки соат судим.

Қирғоққа етиб келгач... юрагим орқага тортиб кетди, чунки дўстим аллақачон ўлган экан! Шунда беихтиёр хаёл суриб қолибман. Бир пайт мендан сал нарида граната портлади. Кейин нима бўлганини билмайман. Йўлда, қуролдошимнинг қўлида ўзимга келдим. «Толеинг бор экан, оғайни», — дейишди менга. Отамнинг ҳақиқатан ҳам бахти бор экан. Урушда уч марта дала госпиталларида даволанди. Барибир асорати қолди. Ўша машаққатли кунлар нафасини қишда янада чуқурроқ ҳис қилардим. Суяклар орасида ётган осколка ниҳоятда азобга соларди. Унга Тошкент вилояти шифохонасида даволанишга йўлланма беришди. Даволовчи шифокор йигит дадамга негадир таниш кўринди. Қуролдоши Абдураҳимжонни кўргандек, унга талпинди, бироз ҳадик ва қизиқиш билан сўради:

— Ўғлим, отангизнинг исми Абдураҳимжон эмасми?

Йигит сергак тортди:

— Сиз отамни танирмидингиз? Наҳотки уларга шунчалик ўхшасам?

— Менинг қўлимда жон берган Абдураҳимжонга жуда ўхшаркансиз. Хотиним ҳомиладор, тўрт ойдан кейин, албатта, ўғил туғади, деганди ўшанда...

Эртаси куни жангчи Абдураҳимжоннинг рафиқаси, келини ва набиралари отамнинг ҳузурига келишди. Уларнинг кўзида ёш, қалбида армон. Йигирма беш ёшида бева қолган, бутун умрини ёри йўлига кўз тутиш билан ўтказган аёлнинг саволларига жавоб бериш нақадар оғир бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

* * *

Уруш ҳақида гап кетса, отам оналари Ҳамро бувимни эслардилар:

— Онамнинг умри ҳамиша кимнидир кутиш, кимнингдир йўлига кўз тутиш билан ўтди.

Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкалини қучоқлаб йиғлаганлари ҳам шундан. Ўшанда, байрам баҳона, отажонимни азиз қадамжога олиб боргандик. «Ҳайкални яратганга раҳмат! Худди онамни ишлаб қўйибди-я! Онажоним ҳам азоб-уқубатлар туфайли шундай қотмалашиб кетгандилар»...

Кўз ёшларини артар экан, сўзида давом этдилар: «Туроб акам яримжон бўлиб қайтди. Эргаш акам дом-дараксиз кетди, онам раҳматли...»

Биз ўша куни Хотира китобини варақладик ва бедарак кетган амакимизнинг исм-шарифини ўқиб бердик: «Абдуазимов Эргаш...»

Отам юм-юм йиғларди. Кўп ўтмай хонадонимизда акалари учун маърака қилдилар...

«Узум ейман десанг, узун кес токни!» — бобонгнинг сўзи бу, — дерди отам ишком оралаб. — Бобонг беш фарзандни қаҳатчилик йилларидан шу узум сабаб, омон олиб чиққан. Аммо бир куни эшик тақиллаб, ҳовлига чарм куртка кийган икки киши кириб келди. Заводни кенгайтириш учун, ҳовлижойингизни бузамиз, дейишди. Отам ғўра бўлган узумга қараб, бир ой сабр қилинглар, болаларимнинг оғзи узумга тегсин, деса ҳам улар кўнишмади. «Отамнинг тракторлар олдига тушиб, додлаб йиғлаб юргани кўз ўнгимда турибди. Отам эртасига гапиролмай ва юролмай қолди, уч кундан сўнг Аллоҳ омонатини олди...»

***

Ҳар кимнинг қалбида ўз халқининг жажжи қиёфаси яшайди, дейишади. Отам ҳам ўзбек халқининг юртга муҳаббат, ёвузликка нафрат, яшашга иштиёқ билан қалби тўла фарзандларининг бири сифатида жангга отланган.

— 1942 йилнинг қиши кўз олдимдан кетмайди. Дарахтлар панасида кўриниб-кўринмай турган душманга, уларнинг қурол-аслаҳаларига қараб пистирмада сергак турибмиз. Бир вақт дутор ва танбур наволари янгради.

Ўзбек, кейин эса қозоқ ва татар тилларида «жаннатий ҳаёт»ни ваъда қилувчи сўзлар юртдошларимнинг айримларини аллалай бошлади. Алпомиш ва Гўрўғлилар жасорати сўйлаб, алла айтган онажоним кўз олдимга келди...

Ярим тунда «зудлик билан разведкага одам керак», деди штаб бошлиғи солдатларни сафга тизиб.

Икки қадам олға юриб: Мен бораман, дедим. Штаб бошлиғи елкамга қўлини ташлаб, «Сен қаерга бормоқчи бўлаётганингни биласанми?», — деб сўради.

— Биламан, — деб жавоб бердим, қаддимни ростлаб.

— Жаҳаннам дарвозасига киришинг керак, — деди у кўзларимга синовчан қараб.

— Буниям биламан, — дедим, юрагимда бироз ҳадик оралаган бўлса ҳам.

— Топшириқ шундан иборат, — деди бошлиқ, қаламда чизилган бир неча шаклга юзлантириб, биз турган қишлоқдан шаҳарнинг ораси уч километр. Тахминан икки километрлар йўл босилганидан сўнг, ўрмон қоровулининг уйи келади. Қоровул «полицай»да хизмат қилади. Аслида, бизга қарашли ишончли шахс. У билан қандай бўлмасин учрашишга ҳаракат қил. Учрашганда бош бармоғингни айри қилиб, лабингнинг икки четини артасан.

— Лабингиз бичилиб турадими? — деган савол бўлади.

— Бичилишга бичилмайди-ку, қичишиб туради, — деб жавоб берасан.

— Лаб қичиса ошга, тил қичишса бошга, — деб ҳазилга буради у. Мана танишиб ҳам олдинглар. Муҳими, сенга берилган пакетни йўқотмасдан келтириш. Билиб қўй, армиянинг муваффақияти учун, қалтис ва мураккаб вазифага кетаяпсан!..

Отамнинг маҳзун ҳикояси таъсирида маъюсланиб турган ўғилларимни қучаман ва «биз албатта тинчликда яшаймиз», дейман.

Улар киприк қоқмай юрак сўзимни тинглашади:

Болажоним, шўхлигинг,
Соғломлигинг тинчликдир.
Усти бутту тўқлигинг,
Полвонлигинг тинчликдир!

Бувижонни қаритмай
Ёшартирар дам тинчлик.
Билсанг, ибн Хаттобдек
Сеҳрли одам, тинчлик...

Ўз отаси ҳақида ёзиш қийин экан. Лекин фахр ҳисси тинчитмади.

— Сен Марякнинг қизимисан? — дейишарди отамнинг дўстлари менга.

— Уйимиз атрофида кўл, дарё тугул, каттароқ сой ҳам йўқ-ку, нега сизни Маряк дейишади? — сўрардим отамдан.

— Ахир мен Днепр дарёси қонга бўялиб оққанда, юзлаб ярадорларни қирғоққа олиб чиққанман-да!..

Отам уруш даҳшатларини кўриб, асаблари толгани сабабми, онам у кишини жуда ҳам асраб, ҳурматини жойига қўярди. Энди билсам, онам отамни авайлаш асносида биз олти нафар қизларига ана шундай тарбияни сингдирган экан.

Дарҳақиқат, болалар кўнгли ота билан бутун, ота билан бардам, бақувват. Отам Мурод Абдуазимов 55 йил бир ерда ҳайдовчилик вазифасида ишлаб, саккиз фарзандни оёққа турғазган инсон.

Энди эса, раҳматли отамни эслаб, тез-тез йиғлаб оламан. Катта келиним: «Ойижон, 50 ёшдан ошиб ҳам, «адам», деб ўтирасиз. Олти яшар Ёдгор отасининг ёруғ дайдорини умуман кўрмаган. Юрибди-ку, сабр қилиб, — дейди мени юпатиб.

Нима қилай, катта бўлгандаги етимлик кичикликига қараганда ёмонроқ кечаркан-да!

Мен урушни кўрмаганман, аммо урушни кўрганларни кўриб, уларнинг дарду азобларига шерик бўлиб юрибман. Қадди камолли жиянларимга боқиб, полопондек бўй кўрсатиб келаётган набираларимни қучиб, ишонч билан айтар сўзим шундай:

— Отажон, бугун ҳам, эртага ҳам, ундан кейин ҳам, ҳамиша шундай тинч ҳаётимизнинг қадрига етиб, сергак яшаймиз, огоҳ бўламиз!..

Умида АБДУАЗИМОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

●Назм бўстонида

ТАҚДИР ШАМОЛИ

Ажиб шамол бўлди,
Кўп қизиқ шамол.
Турли қирғоқларга томон ҳайдади —
Сен тушган қайиқни
Ва меникини.

* * *

Шамол гар елмаса, ҳеч нарса эмас,
Ўтин гар ёнмаса, оддий бир оғоч.
Ёғмаган ёмғирнинг номи булутдир,
Ўз номим йўқотгум севмасам мен ҳам.

* * *

Ёлғизлик селидан қочиб, қунишиб,
Бошпана ва ҳамдард ахтариб —
Бир юрак эшигин қоқаман.
Дарҳол хитоб янграр:
«Киринг, марҳамат!»
Қизиқ,
«Ким у бевақт юрган, мақсадинг не?» деб —
Ҳеч кимса сўрамас.
Эшик тирқишидан ёки дарчадан
Парда кўтариб ҳам қарамас.
Хитоб такрор янграр:
«Марҳамат, киринг!..»
...Ураман ўзимни селнинг остига.

* * *

Юрагим сенда кетди...
Хитобга тўла теграм:
— Яшайлик кўп қатори,
Ишла, ғайрат сол сен ҳам!
(Ишлай олармиди юраксиз одам?!)
— Сев! — Ҳаётнинг эрмаги,
Қара, бўйнингдан қучар —
Хотининг, болаларинг —
Бир тўда чуғурчуқлар!
(Сева олармиди юраксиз одам?!)
— Нега лоқайд қарайсан?
Боққин атроф чароғон.
Дўстлар даврасига кир,
Ўйна, куйла, кул шодон!
(Кула олармиди юраксиз одам?!)
— Бундай яшаганингдан...
Маъқулдир қўл силтасанг...
(Ўла олармиди юраксиз одам?!)
Юрагим сенда кетди...

* * *

Сезасанми, санам, ҳар тонгда —
Деразангга урилар бир қуш.
Билсанг, ўша асов хаёлим
Хаёлингнинг кўйида сархуш .
Деразангни очиб қўй, эркам,
Роз айлашсин ҳар икки хаёл.
Ҳа, лоақал уларга бўлсин
Бизга насиб этмаган висол.
Деразангни очиб қўй, эркам...

Файзулла САЛАЕВ

«Универсиада — 2013»

Андижон шаҳрида ташкил этилган «Универсиада — 2013» спорт ўйинларининг водий минтақаси баҳслари шижоатли ёшларнинг ўзига хос кўригига айланди.

МИНТАҚА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



Олимпия захиралари коллежи спорт манежида ўтказилган баскетбол, волейбол, гандбол турларида майдон эгаларининг устунлиги сезилиб турди.

Фақат футбол ўйинларида фарғоналик талабалар мезбонлар жамоаси дарвозасига учта жавобсиз тўп киритиб, улоқни илиб кетишди.

Энди ғолиб жамоалар ўз вилоятлари шарафини Республика босқичида ҳимоя қиладилар.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

●Эътибор

ЗИЁРАТ

Меҳр-мурувват кўрсатиш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Денов нефт унитар корхонаси, туман «Бободеҳқон» бозори маъмурияти, Ҳарбий мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Денов автомобил мактаби, якка тартибдаги тадбиркорлар Қурбон Ризаев, Илҳом Шокиров, Абдулла Турсунбоевлар хайрли ишни амалга оширишди. Денов туман ногиронлар жамиятининг бир гуруҳ аъзолари Термиз шаҳридаги Археология музейи, ҳайвонот боғи, Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳларида бўлиб, катта таассуротлар билан қайтишди.

Ўз мухбиримиз

Табиат неъматлари

ТОҒРАЙҲОН

Тоғрайҳон лабгуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Унинг бўйи 30-60 см.га етади. Ўсимликнинг пояси тўрт қиррали, юқори қисми шохланган. Барглари тухумсимон ёки чўзиқ, учи нишли, асоси кенг, понасимон кўринишга эга. Тоғрайҳон гуллари поянинг ёки новдаларнинг уч қисмида деярли бандсиз жойлашган бўлиб, тўп-гулни ташкил қилади. Меваси тўртта ёнғоқчадан иборат.

Бу ўсимлик июн-август ойларида гуллайди. Асосан Тошкент, Андижон, Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятидаги тоғли ҳудудларда майда тошли, чириндига бой бўлган қўнғир ва қоратупроқли жойда ўсади. Тоғрайҳон ошкўк ва зиравор сифатидагина эмас, балки шифобахшлиги билан ҳам маълум. Унинг таркибида эфир мойи, танид моддаси, микроэлементлар, органик кислоталар, витамин С, каротин мавжуд.

Халқ табобатида тоғрайҳондан тайёрланган дамлама шамоллаш билан боғлиқ касалликларга тавсия этилади. Шунингдек, у меъда-ичак фаолиятининг сустлиги, дармонсизликда ҳам даводир. Тоғрайҳон бош оғриғи, уйқусизлик (бунинг учун ўсимликдан тайёрланган дамлама билан бош ювилиши лозим), рахит касаллигида ҳам қўлланилади. Айниқса, ўсимлик дамламаси йўтал, нафас сиқиш, ўпка касаллигида истеъмол қилинса, яхши самара беради. Маълумотларга кўра, тоғрайҳон билан узум сиркасининг аралашмаси кўнгил айниши ҳамда қайт қилишни қолдирувчи омил сифатида қўлланилади.

Илмий тиббиётда тоғрайҳон дамламаси ичак фаолияти заифлашганда ишлатилади. Иштаҳа очувчи, овқатнинг ҳазм бўлишини яхшиловчи, балғам кўчирувчи, гижжа ҳайдовчи восита сифатида ҳам тавсия этилади.

Уй шароитида тоғрайҳондан шифобахш дамлама тайёрлаш учун икки чой қошиқ майдаланган тоғрайҳон 400 градус қайноқ сувда дамланади. Дамламани бир кеча-кундуз давомида истеъмол қилиш мумкин. Тоғрайҳонли мойни тайёрлаш учун бир сиқим майдаланган райҳон ўтига 0,5 л. зайтун ёки писта (кунгабоқар) мойини аралаштириб, 8 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра эзиб, докада сузилади. Бу мой пахтага шимдирилиб, тиш ковагига қўйилса оғриққа барҳам беради.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, тоғрайҳонни иложи борича гуллагандан кейин ўриб олиш керак, чунки бу даврда ўсимликнинг шифобахшлик хусусияти маромига етади. Ўсимликни вақтидан илгари, илдизи билан юлиб олиш унинг камайиб кетишига сабаб бўлади.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Чинобод» санаторийси очиқ акциядорлик жамияти жамоаси санаторий бошқарув раисининг даволаш ишлари бўйича муовини

Равшан ИРГАШЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: J.Ergashev

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 20. 20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 411 20265 nusxada bosildi : 345